УзССР Давлат китоб палатаси
Ф. 3 0'89 7
Давлат нашриёт палата УзССР

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 20 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 64 (6960)

Da'vat

Энг зарур билимни қунт билан ўрган,
Зарур бўлмаганин ахтариб юрма.
Зарурини ҳосил қилгандан кейин,
Унга амал қилмай умр ўткарма.

Абдураҳмон ЖОМИЙ

Ibrat

Аргентинанинг Мардель-Плата шаҳрида ўтказилган халқаро ёш математиклар олимпиадасида ўзбекистонлик ёшлар ҳам қатнашдилар. 82 мамлакатнинг 460 нафар ўқувчисини чиқиришдан ўтказган мазкур олимпиадада ҳамюртларимиз — бухоролик О.Султонов, хоразмлик Т.Тоҳиров, наманганлик К.Тўрахоновлар махсус фахрий ёрлиқлар эгаси бўлишди.

Янги ўқув йилига 12 кун қолди

**** Мактабингиз рейтинг тизимига ўтган бўлса, синфлар учун янги рейтинг журналини олдингизми?***

**** Ўқитувчиларнинг барчаси (янги ишга қабул қилинганлар ҳам) махсус тайёргарликдан ўтганми?***

**** Ўқувчиларингизга (талабаларингизга) бу тизимни қай йўл билан тушунтирмоқчисиз?***

ОМАД ВА ОМАДСИЗЛИК САБОҚЛАРИ

Мана, ниҳоят, орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди. Яқиндагина тест синовларига кириб чиққан абитуриентларнинг юз-кўзларига яна ҳаяжон қалқди. Эрта саҳарлаб ўзи талабаси бўлишни орзу қилган олий ўқув юрти томон илҳақ югургилади. Ахир, тест синовларининг жавоби эълон қилинадиган, талабаларнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажраладиган дақиқалар ҳам етиб келдида...

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Ёшу қари, каттаю кичик, ўғилу қиз тест синовларининг натижалари кўрсатилган доска томон интилади. Доскада ўз рақамини топган абитуриентларнинг баъзилари қувончдан қийқириб чапак чалиб юборса, айримлари эса шалвираганча бўшашиб, кўз ёшларини киши билмас даструмолчасига артиб олаяпти.

Биз қувончдан чарх уриб ўйноқлаётган, гоҳ ота-онасини, гоҳ дугоналарини қучоқлаб ўпаётган истараси илиққина қизни суҳбатга тортдик.

— Мен Гулчеҳра Шоалимова, янгийўлликман. Мана, насиб этган экан, Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг талабаси бўлдим, — деди ҳамон шодликдан энтикиб турган кечаги абитуриент, бугунги талаба.

— Гулчеҳра, тест синовларидан неча балл тўплабсиз?

— 180 балл!

— Сиздан кўпроқ балл йиққанлар ҳам борми?

— Ҳа, тағин беш абитуриент мендан ўзиб кетишган...

— Гулчеҳра, тест синовларининг адолатли эканлигига энди ишонгандирсиз?

— Йўқ, бунга эндигина ишониб қолганим йўқ. Ўтган йили акам ҳам Тошкент автомобиль ва йўллар институтига ўз кучи билан талаба бўлганди. Тўғриси, акамнинг ғалабасидан руҳланиб, бу йил ўз-ўзимга ишонган ҳолда талабаликка талабгорлик қилганман.

Афсуски, бу ерда ҳамманинг ҳам кайфияти Гулчеҳраникидек гулгун эмас. Бизнинг диққатимизни йўлак чеккасидаги ўриндиқда бўшашибгина ўтирган ўспирин тортди. Уни ҳам суҳбатга тортдик. Бироқ ўспириндан гап олиш анча қийин бўлди.

— Хоразмдан келганман, исми-шарифим — Худойберганов Баҳодир, — деди у синиқ бир товушда.

— Баҳодир, афт-ангорингизга қараганда, бу йил омад чопмаган кўринади, шундайми?

— Ҳа, — деб бош иргади абитуриент.

— Неча балл тўплабсиз?

У ғашланиб қўл силтаб қўйди.

— Балки сизга нисбатан адолатсизлик қилингандир?

— Йўғ-а, — деди Баҳодир чуқур нафас олиб, — бу ерда ҳаммаси рисоладагидек. Очиқ гап, бу йил тайёргарлик кўнгилдагидек эмасди. Тўғриси, синовлардан ўтолмаслигимни олдиндан сезиб юрардим.

— Келгуси йил яна келасизми?

— Ҳа, албатта.

Тестдан ўтолмаган талабгорга ўқишнинг қадри баланд бўлади. II-ТошДТИ даволаш иши факультетига тест топширган Нигора Исломова ўтган йили тўрт балл кам (180) йиғиб ўқишга киролмабди.

— Бир йил давомида жиддий тайёргарлик кўрдим. Мана кўриб турибсиз. Бугун жуда хурсандман. Шунча меҳнатларим зое кетмабди. 215 балл тўплабман. Билим бўлса бемалол ўқишга кириш мумкин экан. Ука-сингилларимга таклифим: жиддий тайёргарликни мактабданоқ бошлаш керак!

Мана, кўз ёшлари, қувонч кулгулари аралашқуралаш бўлган ғаройиб кун тафсилотлари. Аммо, қувончлару қайғулар учун ҳали эрта. Чунки бугун қайғурган келгусида омад кулиб, талаба бўлиб шодланиши, бугун қувонган эртага талабалик масъулиятини кўтаролмай қайғуриб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам бағирни кенг қилиб, қунт-чидам, меҳнат этагига маҳкам ёпишайлик. Зеро, эртанги кун бизни орзиқиб кутмоқда.

Л.БЎРИЕВ.

1994 ЙИЛ

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларини қурилажак озод ва обод Ватаннинг, ҳуқуқий ва демократик асосларга эга давлатнинг пойдевори, тамал тоши қўйилган йиллар бўлди десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Йилдан-йилга мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти ривожланиб борар экан, ана шу юксалишларда 1994 йилнинг ҳам ўзига хос улуши борлигини кўрамиз.

Шу йили республикада биринчи марта мактабгача тарбия муассасаларининг ёш педагоглари ўртасида «Тарбиячи-94» кўрик-танловининг ўтказилиши юртимизда таълим соҳасида кўплаб фидойи педагоглар борлигини эътироф этди.

Қадимдан ота-боболаримиз мадрасаю мактаблардан ташқари хориж илм марказларида ҳам ўқишган. Айни бир вақтда чет элликлар ҳам ўлкамизнинг энг сара илм даргоҳларида таҳсил олишган. Ана шу анъаналарни давом эттириш мақсадида шу йили Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди.

Мустақил Ўзбекистон тарихининг зарварақларидан ўрин оладиган яна бир куни бор бу йилнинг. I июлда миллий валютамиз — Сўм муомалага киритилди. Мамлакатимиз

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

иқтисодий барқарорлиги йўлида хизмат қилувчи, ўзида қадим ва навқирон Ватан аксини мужассам этган ўз пулингни ушлаганда юрак ҳаяжонга тўларкан. Бундан минг йиллар муқаддам ҳам авлодларимиз кўҳна Урганч, Шош, Термиз, Самарқанд ва Бухорода ўз зарбхоналарига эга бўлишган. Тарих шоҳидлигига кўра бу пуллар Буюк ипак йўли бўйлаб «ҳаракат»да бўлган. Айниқса, Муҳаммад Тарағай Улуғбек замонасига келиб миллий пул ислоҳ қилиниб, қадр-қиймати жуда ҳам юқорига кўтарилади.

Дарвоқе, мазкур йилда юртимизда буюк давлат арбоби, йирик аллома олим Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланиши ҳам ўзига хос воқеа бўлди. Тўй баҳонасида кўплаб тарихий обидалар яна яшариш либосини кийди, юртимиз чирой очди.

Ўша йили нафақат юртимиз спортчилари, балки дунё спортчилари хотирасида ҳам ёрқин из қолдиргани аниқ. Ўшанда Тошкентда «Ўзбекистон президентти Кубоги учун» I халқаро теннис турнири ўтказилди. Турнирда жаҳонга машҳур теннис усталари билан бир қаторда Ватанимиз теннисчилари эришган муваффақият ва Ўзбекистон ҳукуматининг спортга бераётган катта аҳамияти бутун оламга овоза бўлган эди.

Ўша йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимояни бошлаб берди. Бу Ўзбекистон Президентининг бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш асосий тамойилларидан бири бўлмиш аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимол қилиш доимий эътиборда эканлигини кўрсатди.

Davra suhbati

БОҒЧАДА ЧЕТ ТИЛИ...

Бепоён диёримизда амалга оширилаётган мактаб ислоҳоти туфайли таълим тизимида ҳам янгиликлар кўпайиб, таълим-тарбия мазмуни тобора кенгайиб, бойиб бораётир. Жумладан, болалар боғчаларида тарбияланувчилар ҳам хитой, инглиз, корейс сингари хорижий тилларни ўрганмоқдалар. Мухбиримиз пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 27-болалар боғчасида бўлиб, боғча психологи, тарбиячи ва педиатри билан суҳбатлашди. Боғча ёшидаги болага чет тилини ўргатиш керакми? Боғча ёшида таълим олиш бола соғлигига салбий таъсир қилмайдими? Маълум вақт ўтгач, чарчаб ўқишга қизиқиши сўниб қолмайдими?» каби саволлар билан суҳбатдошларга мурожаат қилдик.

Дилбар НОСИРОВА, психолог:

— Болалар боғчаларида чет тилини катта ва тайёрлов гуруҳлари болалари ўрганганги маъқул. Менимча, мазкур тилни ўрганишда тарбиячининг умумий машғулотига таъсир қилмаслик, яъни биринчи машғулот билан иккинчисининг орасида боғланиш бўлиши керак. Инглиз тилини ўрганаётган бола умумий машғулотдан қолиб кетмаслиги, куннинг иккинчи ярмида ўша машғулотни ўйин тариқасида ўтказиш керак. Масалан, математика ўтилган бўлса, «Нечта қўзиқорин тердинг?, «Дарахтлар нечта экан?» сингари саволлар билан боланинг билимини ўртоқларникига етказиб олган маъқул. Бола чет тилини боғча ёшида ўргангани айни муддао. Чунки у айни шу ёшда тез ўзлаштира олади. Шунингдек, чет тилини у она тили билан бирга ўрганиши шарт.

Боғчамизнинг тайёрлов гуруҳида ҳафтада учта машғулотли ва иккита машғулотли кун бор. Ана шу иккита машғулотли кунларда, яъни сешанба ва

(Давоми 2-бетда).

Анъанавий кенгашлар 2-бет

Олмонияда касбий таълим 3-бет

Коинотда антимодда мавжудми? 4-бет

JUMLADA JAHON

• Маҳаллий саноатни бошқаришни янада такомиллаштириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш, бозорнинг халқ истеъмол моллари билан тўлдирилиши учун маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикадаги бир қанча нефть ва газ саноати ҳамда транспорт, қурилиш ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» ҳамда «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбатини ва Кўкдумалоқ конидаги Компрессор станциясини қуриш ва уни муддатидан илгари ишга туширишда фаол қатнашган хорижий мутахассислардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармонлари эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсонни ҳамда Жанубий Кореянинг «Самсунг Электроникс» компанияси раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 19 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра бир АҚШ долларининг қиймати 72 сўм 45 тийинга тенг бўлди.

• Тожикистон пойтахти атрофида бир ҳафта давом этган қуролли тўқнашувлардан сўнг мамлакатдаги вазият яна осойишта изга қайтди.

• Туркия парламенти қабул қилган таълим тўғрисидаги қонуннинг биринчи бандига диндорлар қарши чиқмоқда, улар бу қонун мамлакатдаги диний мактабларнинг ёпилишига олиб келади, деб хавфсирамоқдалар.

Taklif

ПЕДАГОГНИНГ МАҚСАДИ БИТТА: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ!

Бугунги кунда мактабларимизга кўплаб фидойи педагоглар керак. Фидойи педагогларни қандай кўпайтирамиз? Бунинг учун кириш имтиҳонлари орасига педагогик маҳоратни аниқлайдиган тестлар киритиш лозим.

Ҳозир кучли фан соҳиби сараланади, лекин ўқув юртини битириб мактабга келади-да, ўзининг ортиқчалигини сезса ҳам дарс бериб юраверади.

Худо берган истеъдод гуллайди, чаман бўлиб очилади. Шунинг учун ёшларнинг орасидан истеъдодлиларни топиб, иложи бўлса педагогик-психологик лицейларда алоҳида эътибор билан тарбиялаб, уларни педагогика институтларига киришидан тортиб мактаб фаолиятига мослашгунча раҳнамолик қилиш керак.

Буюк келажак учун ҳамма масъулдир. Аввало, биз педагоглардан жуда катта билим ва сабр-қаноат талаб қилинади. Бунинг учун ўқитувчи ёниб яшаши, ўша ҳарорат ила ўқувчисининг қалбида ҳам илиқлик уйғота олиши керак. Энди савол туғилади: «Хўш, жамият ўқитувчилар учун нималар қилиши керак?»

Мактабларга «иш бошқарувчилар» эмас, ўқитувчилар орасидан фидойи, моҳир педагог раҳбарни сайлаш, муаллимларни қайта саралаш, ўз касбини севадиган ёшларда халқга меҳр уйғотишга қодир инсонларни топиш, зўрма-зўраки дарс ўтадиган ва адашиб мактабга келиб қолганларни баҳридан ўтиш зарур. Ёшлар орасида туғма педагогик маҳоратга эга бўлганларини топиб, уларга раҳнамолик қилиш керак.

Шунга эришиш керакки, ўқитувчи турмушнинг икир-чикирлари билан ўралашиб, умрини беҳудага ўтказмасин. Педагог фақат битта мақсад билан яшасин. У ҳам бўлса бола таълим-тарбияси бўлсин!

Иқтисодий сабабларга кўра мактабни тарк этган собиқ истеъдодли ўқитувчиларни иш жойларига қайтариш чоралари изланса, ёмон бўлмасди.

Отабек УМИРОВ, Жиззах вилояти Зарбдор тумани халқ таълими бўлими услубчиси.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ВОЛЕЙБОЛДА БИРИНЧИ

Яқинда Нукусда Қорақалпоғистон Республикасидаги ўрта махсус билим юртлари ўртасида волейбол ўйини бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Қизғин беллашувлардан сўнг фахрли биринчи ўринни Беруний шаҳар педагогика билим юртининг командаси эгаллашга муваффақ бўлди. Ғалабага эришишда команда раҳбари Шуҳрат Сафаровнинг хизматини алоҳида қайд этмоқ жоиздир.

Ғолибларга биринчи даражали диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ғ.ЁҚУБОВ.

«ҲАЗРАТИ ИНСОН» МАВЗУСИДА...

1997 йил — Инсон манфаатлари йили муносабати билан «Маънавият ва маърифат» маркази Андижон туман бўлими томонидан туман ҳокимлиги қарорига кўра ҳудуддаги олий ўқув юртлари, лицей, гимназиялар ва ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида «Ҳазрати инсон» мавзусида иншолар кўрик-танлови ўтказилди. Бу танловда тумандаги ўзбек-турк лицейининг 10-синф ўқувчиси Иззатилла Сотиболдиев биринчи ўринни эгаллади. Унинг иншо матни туман газетасида эълон қилинди.

Шунингдек, кўрик-танловда Андижон қишлоқ хўжалик олийгоҳининг 2-босқич талабаси Наргиза Жабборова, 36-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ҳилолахон Шокировалар иккинчи ўринни эгаллашди.

Ш.КЕЛДИЕВ.

ОРОМГОҲДА ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

Яқинда Яккабоғ туманидаги оромгоҳлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Умумий ўйинлардан сўнг саралаш ўйинлари бўлиб ўтди. Якуний босқичда М.Ҳасанова ва Гагарин номларидаги оромгоҳлар ўзаро куч синаштдилар. Мусобақа сўнгида М.Ҳасанова номидаги оромгоҳ ўйинчилари ғолиб деб топилди ва туман «Камолот» жамғармаси бўлими томонидан фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

С.ЖЎРАЕВА.

Fikr, mulohaza, taklif

ТАЛАБА МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛА БИЛСИН

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгандан кейин 1992 йилда «Таълим тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди. Лекин бу вақтда бозор иқтисодиётининг туб асослари ва моҳиятлари тўла ўрганилмаган, ҳаттоки «Таълим тўғрисида»ги Қонун устида ишлаган мутахассислар ҳам дунё мамлакатлари таълим тизимлари билан чуқур танишиб чиқишга улгурмаган эдилар. Лекин у вақтда таълим тизимида қонун қабул қилиш зарурати юзага келиб қолган эди. Қонун муҳокамаси ҳам анча шошма-шошарлик билан ўтказилди, ривожланган мамлакатлар тажрибалари бир томонлама киритилди, ижтимоий онгга бозор иқтисодиёти унсурлари эндигина кириб бораётган ёш мамлакат учун таълим тўғрисида қонунда юзага келган катта ўзгаришларни сингдириш анча қийин бўлишини тажрибалар кўрсатди. Натижада қонуннинг бирмунча қисми ишламай қолди. Шунинг учун ҳам ўтган 5 йил ичида кутилган юксак натижаларга эришилмади.

Бу тўғрида Президентимиз «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилишида очиқ-ойдин гапирдилар.

Тайёрланаётган мутахассиснинг юқори билимга эга бўлишининг ўзи бугунги кун учун етарли эмас, унда дунё андозаларига мос мутахассиснинг инсоний хусусиятлари ҳам шаклланган бўлиши керак. Масалага иқтисодий-сиёсий нуқтаи назардан қаралмас экан, олдинги хатоларнинг қайтарилмаслигига кафолат бериш қийин. Демак, янги Қонунда таълимнинг устиворлиги алоҳида кўрсатиб қўйилиши даркор. Чунки таълим доимий устувор бўлган жамиятда тараққиёт бир текисда кетиши тарихдан маълум.

Таълимда ислоҳотнинг мақсади барча фуқароларни узлуксиз таълимга тортишдан иборат бўлишини, агар инсон узлуксиз ўқисагина бутунлай бошқача ҳаётий мазмун, имконият, мақсад юзага келишини, у билан жамият ҳам ўзгаришини доимо ёдда сақлашимиз керак. Мактаб ўзгармаса жамият ўзгармайди. Мактаб ислоҳоти — бу охир-оқибатда жамият ислоҳотидир. Узлуксиз таълим тизимидаги боскичларда ўқитиш методларини бир-бирига яқинлаштириш ва шу билан бирга такомиллаштириб бориш керак.

Ўқувчи билан талабанинг фарқи талабанинг кўп билишида эмас, балки унинг мустақил билим ола билишидадир. Афсуски, ҳозирги талабаларда, ҳаттоки битирувчи талабаларда ҳам бу хусусият етарли эмас. Чунки ҳар бир босқичдаги таълимнинг асосий мақсади тўла аниқлаб олинмаганлиги ҳамда уларга тўғри йўналиш берилмаганлигидадир.

Олий мактабни битириб чиқаётган ҳозирги замон мутахассисига қўйиладиган умумий талаблар бизнингча қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

Даставвал улар касб вазифаларини таҳлил қила билиши, уни очиш методларини танлай билиши шарт, аралаш фанлар бўйича мукаммал тайёргарликка эга бўлиш; компьютер саводхонлиги; ахборот тизимлари билан ишлай билиши, умуммаданий савияси юқори бўлиши, ижтимоий фаоллиги ва ниҳоят жисмонан соғлом бўлиш замон талабларига мос келиши зарурдир. Демак, ўқитиш тизимини ҳам юқоридаги талабларга мос равишда ўзгартириш зарурдир.

Олий ўқув юртида педагог ўнлаб теоремаларни исбот қилиб бериш йўли билан маъруза «ўқиши» шарт эмас деб ўйлаймиз, балки ҳар бир фан тизими бўйича чуқур дастурни талабалар онгига сингдириб, ушбу фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси, мутахассислик учун бевосита ва билвосита қўлланадиган томонларини кўрсатиб бериши ҳамда талабаларни мустақил ишлашга ўргатиши мақсадга мувофиқдир.

Аксарият битирувчилар асосий билимни диплом иши ёзиш даврида олганликларига иқрор бўладилар. Савол туғилади, бу даврда талабанинг ижодий фаолияти қандай йўсинда ўтади?

У адабиёт билан мустақил ишлайди, раҳбар билан якка тартибда, савол-жавоблар асосида шуғулланади. Диплом ҳимояси масъулияти уни жадал ишлашга мажбур қилади. Демак, ўқишнинг барча босқичларига ушбу масъулият ҳисси киритилсагина мутахассис тайёрлашда туб ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бизнингча диплом иши мавзусини талабаларга 2-3 курслардаёқ бериб қўйиш керак. Чунки бунда талаба диплом мавзуси бўйича адабиётлар тўплашга киришади, унинг баъзи қисмлари бўйича тегишли фанни ўқиши жараёнида материаллар тўплайди, улар бўйича курс ишлари ва лойиҳалари ёзади ва булар диплом иши учун манба бўлиб хизмат қилади.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш» комиссиясининг йиғилишида Президентимиз қўйган масалалар ичида 3 йиллик ҳунар мактаблари учун муҳандис-педагоглар тайёрлаш энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Президентимиз талаб қилганларидек, миллий дастурни амалга оширишга тайёргарлик ишларини 2-3 йилда тугаллаш керак. Педагог-мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёни мураккаблигини, у маълум вақт талаб қилишини ҳисобга олиб, бу ишга дарҳол киришиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат таълим стандартларида белгиланиши бўйича «Касб таълими» йўналишида 16 та мутахассислик бўйича дипломли мутахассис ва магистрлар тайёрлаш кўзда тутилган. Биринчидан, мутахассисликлар турини кўпайтириш, иккинчидан эса соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлаш географиясини аниқлаб олиш зарур. Чунки муҳандис-педагогларга бўлган Республика эҳтиёжини қондириш учун деярли барча техник олий ўқув юртларида факультетлар ташкил қилиш керак бўлади.

Муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича алоҳида институт ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бир-биридан тубдан фарқ қиладиган мутахассисликларга етарли материал-техник базани ташкил қилиш, профессор-ўқитувчиларни жамлаш ва тайёрлаш (айниқса, педагогика, психология, ўқитиш методикаси ва бошқа фанлардан) узоқ вақт талаб қиладиган жараёндир. Бундан ташқари, бир минтақадан иккинчи минтақага талабаларни ўқишга боришини ташкил қилиш ҳам анча қийин масала бўлиб турибди.

Ҳозирги даврда муҳандис-педагоглар тайёрлаётган институтларга бу соҳа бўйича магистратура очишга дарҳол рухсат бериш даркор.

Ушбу институтлар қошида малака ошириш факультетларини ташкил қилиш йўли билан ҳам юқори малакали кадрлар сафини кўпайтириш мумкин. Акс ҳолда малакали педагог кадрлар тайёрлаш суръати орқага сурилиб кетади.

Олий ўқув юртларини унинг йириклиги, ёши ва қаерда жойлашганлигига қараб табақаларга ажратиш тўғри эмас. Минтақавий олий ўқув юртларининг кўпчилиги тез ривожланиб кетмоқда. Уларнинг ўқув-методик анъаналари ва тажрибалари марказий олий ўқув юртларига ҳам тарқатилмоқда. Илмий-педагогик салоҳиятларининг ўсиш даражаси ҳам марказий олий ўқув юртларидан паст эмас.

Олий мактаблар билан Академия институтлари ўртасидаги муносабатлар қонун билан белгилаб қўйилсагина ўзаро интеграция кутилган натижани бериши мумкин.

Келгусида эса уларнинг бир-бирига сингиб кетиши йўналишида иш олиб бориш керак. Чунки ҳозирги шароитда олий ўқув юртлари илмий-текшириш институтлари имкониятларидан етарлича фойдалана олмаяптилар.

Олий ўқув юрти фаолиятининг ҳуқуқий томонлари чуқур ишлаб чиқилиши, унда олий мактабнинг янги тамойиллари ҳисобга олиниши, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ҳуқуқий маданиятини кўтариш масалаларига алоҳида эътибор берилиши таълим тизимида муваффақиятлар гарови бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ғуломқодир ДАДАМИРЗАЕВ,
Наманган саноат-технология институти проректори.

АНЪАНАВИЙ КЕНГАШЛАР

Бухоро вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ўқитувчиларнинг август кенгашлари олдидан маслаҳат кенгаши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Р.Саломов, Қори-Ниёзий номидаги республика педагогика илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари Қ. Йўлдошев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Баҳромова, вилоят ХТХМОИ ректори Й.Асадов ва вилоят «Маърифат ва маънавият маркази» раҳбари Садриддин Салим Бухорийлар сўзга чиқишди. Икки кун давом этган ушбу йиғилишнинг 29 шўъбаларида вилоят туманларидан келган туман халқ таълими бўлими услубшуносларри ва фанлар бўйича шўъба раҳбарлари иштирок этдилар.

* * *

Шунингдек, Бухоро туманида Бухоро вилояти халқ таълими бошқармасининг кўчма кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари, туманлар халқ таълими бўлими мудирлари қатнашишди. Кенгашда навбатдаги Олий Мажлис сессиясида кун тартибига қўйилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида кенг фикр юритилди.

Кўчма кенгаш қатнашчилари Гала Осиё шаҳридаги 12-миллий ҳунармандчилик лицейида ҳам бўлдилар. Улар бу ерда таянч таълими соҳасидаги қилинаётган янги ишлар билан танишишди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

P.S. Сирдарё вилоятида ҳам август кенгашларига бағишланган йиғин бўлиб ўтди. Унда халқ таълими вазирлиги маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев иштирок этди.

БОҒЧАДА ЧЕТ ТИЛИ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

жума кунлари инглиз тили ўтилади. Учта машғулотли кунларда биринчи машғулот — математика, иккинчиси — инглиз тили, учинчиси эса жисмоний тарбиядир. Машғулотлар ўтказиляптики шундай болаларнинг чарчаши, толиқиши сезилмаяпти. Жума куни ҳам худди шундай давом этади. Ана шунда тарбиячи ҳам, инглиз тили ўқитувчиси ҳам кўзлаган мақсадига эришаётир.

Тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларининг фикрлаш қобилиятига, хотираларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун болаларда шакллар — доира, учбурчак, тўртбурчаклар (ҳар биттаси тўрттадан, каттакичик) ва турли рангда шакл берилади. «Болалар, олдингизда 24 та шакл бор. Шаклга эътибор қилмасдан ранги бир хилларини ажратиб беринг», дейман. Ана шунда болалар шаклдан шаклни фарқлай оладими-йўқми, аниқлаб оламан. Тест ўтказганда бола билолмаса, аввал ўзим ўша бола билан алоҳида шуғулланаман. Шунда ҳам самараси бўлмаса, психо-невролога консультацияга юбораман. Масалан, Х. ва Н. исмли болалар айни вақтда даволанишаяпти.

Болаларнинг ўйлаш, фикрлаш, тафаккурини ўстириш, хотирасини мустаҳкамлаш, қобилиятларини аниқлаш психологнинг вазифаси. Иқтидорли болаларни аниқлашда тест катта аҳамиятга эга. 1 сентябрда, аввало, тарбиячилар билан «Ўйла, изла, топ», «Психологик треннин» («Олтин сўзлар») ўйинлари орқали тест синовлари ўтказаман.

Бола оилада ўзини қандай тутиши ҳақида ДДЧ (ўй-дарахт-одам) тести ўтказдим. Бола уйда ким билан яқин, меҳрибон, кўпроқ мулоқотда бўлган бўлса, ўша одамнинг расмини юракдан чизиб кўрсата олган. Мен ота-оналар билан мажлис ўтказиб, уларни бу ҳақда огоҳлантирдим.

Кичкинтойлар хотирасини текшириш учун 10 та сўз берилди: анор, чўмич, қалам, рўмол, ой, стол, соат каби. Ўша сўзларни кетма-кет айтадилар. Болаларнинг хотирасида қолганини сўрайман. Битта гуруҳдаги болалар хотирасида шу сўзларнинг 50 фоизи қолган бўлса, тарбиячига улар билан кўпроқ шуғулланиш лозимлигини уқтираман. Мабодо психологик хотира бузилиши содир бўлса, ўзим ҳар хил ўйинлар орқали тадбир олиб бораман.

Тарбияланувчиларимиз гуруҳи билан тумандаги 102-мактабга чиқадилар. Дастлабки қалдирғочларимиз ҳозир инглиз тили бўйича 3-синф — тажриба-синов синфида таҳсил олаётирлар, мактаб ўқитувчиси боғчада ҳам инглиз тилидан таълим беради.

Болалар боғчаларида хорижий тилларни тўғри йўлга қўйган ҳолда ўргатилишини мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Тарбиячилар йўлланма берилганда болаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, кўп зўриқиш бермаслик кераклигини алоҳида уқтираман.

Манзура МУҲАМЕДОВА, тайёрлов гуруҳи тарбиячиси:

— Болаларга инглиз тили асосан ўйин асосида ўргатилади. Уларнинг барчаси қизиқиб ўзлаштирмоқдалар. Кичкинтойлар билан ҳар хил усулда яккаякка шуғулланиб тураман. 102-мактаб билан ҳамкорлик қиламиз. У ерда ўтказиладиган «Алифбе байрам»ларида тарбияланувчиларимиз инглиз тилида шеър, ашулалар айтиб, турли саволларга жавоб берадилар.

Болалар машғулотларда инглизча сўзлар талаффузини ўргансалар, кечки соатларда эса инглиз тилидаги расмли китоблар орқали ҳарф ва сўзларни такрорлаб, билимларини мустаҳкамлайдилар.

Марғуба МЎМИНОВА, педиатр:

— Боғчада 300 нафар бола тарбияланади. Ясли гуруҳидаги болалар ҳар уч ойда, боғча гуруҳидагилар эса йилда икки марта тиббий кўрикдан ўтказилади. Йилда бир марта тор доирадаги тиббий мутахассислар кўригидан ўтадилар. Инглиз тили машғулотларидан кейин болаларда чарчаш, толиқиш ҳолати сезилмаяпти, ўзлаштиришлари ҳам осон кечаяпти.

Ҳа, жажжи дилбандларимизга кичик ёшдаёқ тўғри таълим-тарбия берилса, жумладан хорижий тиллар имкон қадар ўргатилса, уларнинг ўзлаштиришлари шунчалик осон кечар, фикр доиралари кенгаяр экан. Менимча, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишига муносиб ҳисса қўшувчи ворисларимизга билимдонлигига бугун қўйилаётган тамал тошлар қанча мустаҳкам бўлса, уларнинг баркамоллиги шунча тезлашади. Бу инсон келажаги демакдир.

Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.

Tadbir

МАҲОРАТ КЎРИГИ БУ ПАРВОЗ!

Ҳар йили вилоят ва республика миқёсида авиамоделчилар мусобақаларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Яқинда эса Тошкент шаҳридаги «Старт» ўйингоҳида самолётларнинг кордали моделлари бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ҳаво жанги, тезкорлик, планёр моделлари парвози, самолёт нусхалари моделлари ҳамда пойгачи моделлар бўйича ўзаро беллашишди. Аслида бу тадбир ҳар йили ўтказилади. Чунки мактабларимизда ёш авлодга билим бераётган муаллимларимиз изланувчан, ўқувчиларимиз яратувчан. Юртимизнинг чекка қишлоқларида бир дунё кашфиёт яратиш имкониятига эга бўлган ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш эса катталарнинг доимий вазифасига айланмоғи лозим.

Хуллас, қалбларда олам-олам ҳавас ва ҳаяжон туйган билимдон ўқувчиларимиз пойтахтимизнинг энг сўлим гўшасида жойлашган «Старт» ўйингоҳига тўпланишди. Мусобақани республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов кириш сўзи билан очди.

Майдондаги махсус жойга болалар ишлаган самолёт моделлари ўта нозик дид ва нафосат билан териб қўйилган. Айниқса, улар ясаган, учишга шай бўлиб турган ҳар хил русумдаги «учар қуш»лар барча-барчани ҳайратга солди. Моделлар шундай нозик дид билан ишланганки, беихтиёр жажжи конструкторларнинг ноёб истеъдодига тасанно айтасиз.

Қувончлиси, бу чизма ва макетлар техник моделлаштириш соҳасига умид билан кириб келаётган ёш ижодкорларнинг ижодига мансуб эканлигидир. Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги техник ижодиёти маркази қатнашчиси, 10-синф ўқувчиси Асроржон Авазов ўзи ясаган самолёт моделини «Ҳаво лочини» деб номлабди. Келинг, яхшиси, шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтайлик. Шу ажойиб қобилият эгалари бўлган болажонларимиз вақти келиб ўзлари ҳозирданоқ танлаб улгурган мутахассисликлар бўйича олий ўқув юртларига кириб ўқишар, билимларини мустаҳкамлашар. Ўйлаймизки, улар орасидан юртимиз номини жаҳонга танита оладиган етук конструкторлар етишиб чиқади, албатта.

— Самарқанд вилоятидан келган ёш конструкторлар, моделингизни «ҳимоя» қилишга тайёрланинг!

Ҳакамлар ҳайъати ёнига Самарқанддаги 33-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Владик Абдуллаев таклиф этилди... Владик ўзининг модели — картон, ёғоч, пенопласт оргстекло, никель материалларидан ясалган «Бўрон» деб номланган самолётини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг самолёти ўзининг оригиналлиги билан ҳакамларни қувонтирди. Мусобақа давомида республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ташкилий ва оммавий ишлар бўйича директор ўринбосари Махфират Набиевани суҳбатга тортдик.

— Ушбу мусобақани ўтказишдан мақсад, ўғил-қизларни мустақил ҳаётга лойиқ, замон талаблари асосида давр билан ҳамнафас бирор касб эгаси ва юқори билимли, мустақил давлатнинг комил, етук инсонлари этиб тарбиялашдир, — деди у.

Командалар барча турлар бўйича машқ машғулотларини якунлашди. Натижаларга кўра, вилоятлар ўртасида бўлиб ўтган умумкоманда, мусобақаларида Самарқанд вилояти авиамоделчилари биринчи ўринни қўлга киритишди. Тошкент шаҳри иккинчи, наманганлик болалар эса учинчи ўринларни эгаллашди.

Мусобақа ниҳоясида бир гуруҳ қатнашчиларга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика Ўқувчилар техник ижодиёт марказининг эсдалик совғалари топширилди.

Биз мусобақа қатнашчиларнинг устозларини ўз таассуротлари билан ўртоқлашишини илтимос қилдик.

Муҳаммад ТЕМУРОВ, Шофиркон туман болалар техник ижодиёти марказининг тўғарак раҳбари:

— Биз авиамоделчиларнинг навбатдаги республика мусобақасида иштирок этиб, беҳад хурсанд бўлдик. Мусобақа очилишидан тортиб, совринлар топширилгунча ўйин-кулги, шодиёналик бизга ҳамроҳ бўлди. Ҳатто айрим ўқувчиларимиз мусобақада юқори кўрсаткичларга эришишди. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитларига қарамай, Халқ таълими вазирлиги ёшларнинг техник ижодкорлигини ривожлантириш мақсадида уюштирган бу тадбирни қувончли воқеа деса бўлади.

Эркин НАЗАРОВ, Тошкент давлат авиация институти ўқитувчиси:

— Янги-янги моделлар ясаш учун муаммолар талайгина бўлишига қарамай, турли вилоятларимизда техника билан қизиқиб, ижод қилаётган истеъдодли йигит-қизлар жуда кўп. Бугунги ёш авиамоделчилар мусобақаси ҳам мамлакатимизда иқтидорли болалар сони оз эмаслигини кўрсатди. Мен ёш авиамоделчилар мусобақасини ўтказишга бош-қош бўлган Халқ таълими вазирлигига чексиз миннатдорчилик билдираман.

Мана, ниҳоят, ҳаяжонли воқеаларга бой бўлган мусобақа ҳам якунланди. Афсуски, ушбу беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Сирдарё, Тошкент вилоятлари ёш техник ижодиёти марказлари аъзолари, ёш ихтирочи конструкторларнинг иштирок этмагани бизни тааҳжубга солиб қўйди. Ахир бу вилоятларда ҳам ижодий тафаккури бор, зукко, истеъдодли болалар кўп-ку!

* * *

Шунингдек, пойтахтимизда тўрт кун давом этган ўқувчиларнинг республика миқёсида автокўпкураш спорт-техника мусобақаси ҳам ниҳоясига етди. Мусобақаларни ўтказиш ташкилий қўмитасининг саъй-ҳаракатлари туфайли уч хил йўналишдаги беллашув учун ажратилган «Боғи Эрам» оромгоҳида зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Республикамизнинг қарийб барча вилоятларидан келган 10 та команда ўқ отиш, машинани бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларини нечоғлик билишларини намойиш этишди.

Баҳслар натижалари бўйича умумкоманда ҳисобида Самарқанд вилояти командаси биринчи ўринни эгаллаб, бош соврин соҳиби бўлди. Тошкент шаҳри автокўпкурашчилари иккинчи, Бухоро вилояти вакиллари учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Мусобақа якунида команда ва шахсий беллашувлар ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Улуғбек ЖУМАЕВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Самарқанд командаси катта тренери М.Трубачёв мусобақа қатнашчилари билан. 2. Мусобақа иштирокчилари ўз моделларини парвозга шайлашаётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

INTERNET

ЎСИМЛИК ТАСДИҒИ

Ўпка ракига заҳарлик ҳаво сабаб бўлиши мумкинми? Италиянинг Милан университети олимлари шуни аниқлаш мақсадида тажриба ўтказдилар. Улар Италиянинг 600 туманида ўстирилган лишайник ўсимлигининг заҳарли моддалар туфайли ҳалок бўлишини текширдилар ва натижаларни ўпка ракидан келиб чиққан ўлим сони билан таққослаб кўрдилар. Хулосаларда айтилишича, доимий равишда бир жойда яшовчи кишилар ҳаво ифлосланишидан энг кўп зарар кўради.

ШАРБАТЛИ ПАРҲЕЗ

АҚШнинг бир гуруҳ олимлари қатор текширувлар ўтказгач, болаларнинг мева шарбатларига «ружу қўйиши» уларнинг ўсишига салбий таъсир этади, дея таъкидламоқдалар. Масалан, енгил суюқликка ўрганган 2 яшар бола бўйи одатдагидан 2 сантиметр паст бўлиб, бу йилдан-йилга ошиб борар экан. Наҳотки америкаликлар мевадан ҳам айб топса? Йўқ, жавоб, олимлар айтишича, жуда жўн: шарбатга зўр берган бола бошқа нарсаларни кам ея бошлайди.

ШИФОБАХШ РАДИОТЎЛҚИН

Хуррак отишни бутунлай даволаб юбориш мумкинми? Мумкин, дейишмоқда Американинг «Сомнум медикал технолижиз» компанияси мутахассислари. Улар топган янгича усул моҳияти шундаки, нафас йўлини тўсувчи тўқималарнинг фақат уст қисми парчаланади. Бу лазер нури билан эмас, балки махсус радиотўлқин ёрдамида амалга оширилади. Аниқланишича, 40 миллион ёки ҳар етти америкаликдан бири хуррак отиш дардига чалинган. Шунинг учунми, синовчи-талабгорлар кўпайиб бормоқда.

АСАЛДАН ШИРИНМИ?!

Ернинг нариги юзида таркибига кўра витамин ва аминокислоталарга асалдан ҳам бойроқ бўлган ўзига хос шарбат кашф этилди. Мексикада жуда сероб бўлган магея бутасидан олинаётган шарбатнинг шифобахшлигинию мазасининг тотлилигини тасдиқлаган америкаликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчилар. Боз устига бунинг учун арзонгина ускуна керак бўлар экан. Шундай экан, таннархи ҳам арзон «асал» асаларига рақобат туғдириши, шубҳасиз.

МАРС ОБ-ҲАВОСИ

Калифорниядаги илмий лабораторияда бўлган матбуот конференциясида журналистлар Марсга туширилган машина юборган ахборот билан танишдилар: ҳарорат тунда — 11 даражадан — 76 гача пасайиши мумкин, ҳаво айнийди, аммо албатта ёмғир ёғмайди, чунки булутлар чангдан иборат, холос. Шундай бўлса-да, «қизил сайёра»да қуёш ботиши жуда чиройли — қизғиш нурга кўмилган оппоқ қуёш секинаста кўздан йўқолади. Метеоролог Р.Хэйберл мамнунлик билан, булар келажакдаги ҳаётий лавҳалар деб қўйди.

ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Ушбу ҳисобот-мақоламизни халқимизнинг «Қиш ғамини ёзда ё» деган барчага аён пурҳикмат ўгити билан бошласак жоиз бўлур эди. Таассуфки, барчамизга аён бўлса-да, ушбу ўгитга кўпда амал қилмаймиз. Вақт эса, ҳамиша ғанимат.

Халқ таълими вазирлиги қошида таълим муассасаларининг янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлигини назорат қилиш бўйича тузилган штаб текшируви томонидан ўтказилаётган рейдлардан хабарингиз бор. Шу ўринда, мазкур рейдларнинг таълим муассасаларида бўлаётган янги ўқув йили ва кузги-қишки мавсум тараддудига ижобий туртки бераётганлигини таъкидлаб ўтмоқ зарур. Рейд аъзолари таълим масканларини атрофлича кўздан кечирар экан, қилинган ёхуд қилинаётган ишларни синчиклаб ўрганмоқдалар. Тайёргарлик ишларида юз бераётган камчиликларни тугатиш, мабодо етишмовчиликлар бўлса, уларни биргаликда ечишнинг амалий чоратадбирлари кўрилмоқда.

Штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигида ўтаётган навбатдаги рейд Қори-Ниёзий номидаги республика Педагогика илмий текшириш институтидан бошланди. Институт ҳудудида, гарчанд таъмирлаш ишлари давом этаётган бўлса-да, саранжом-саришталикни кузатиш мумкин. Асосий таъмирлаш ишлари фан хоналарида ва институт ички йўлакларида давом этаяпти. Таъмирини кутиб турган жойлар анчагина — бу ҳол институт ходимларининг хотиржам бўлишларига асло йўл қўймаса керак. Рейд аъзолари «таъмирлаш ишларини тезлатиш, унинг кам-кўстини бутлашда институт жамоасига ёрдам бермоқ зарур» деган хулосага келдилар, бу борада мутасадди кишиларга тегишли топшириқлар берилди.

Рейд аъзолари Педагогика илмий текшириш институти билан битта бинода жойлашган республика илмий-педагогика кутубхонасида текширувни давом эттирдилар. Шинамгина жиҳозланган ушбу кутубхонада янги ўқув йили ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларининг 85 фоизи бажарилган. Кутубхона жамоасига давом этаётган таъмирлаш ишларини тез ва соз тугаллаш учун кўрсатмалар берилди.

Рейд аъзолари республика Таълим марказида қилинаётган ишлар билан ҳам танишишди. «Тайёргарлик ишларини ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб олиб боришимиз даркор, — деди штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов. — РТМ жамоаси ўзлари бригадалар тузган ҳолда таъмирлаш ишларини олиб боришаётган экан. Бу яхши. Фақат, ишни жадаллаштириш, фурсатни бой бермаслик зарур».

Албатта, бугунги кунниг бирламчи вазифаси ҳисобланмиш янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини, фурсатни бой бермаган ҳолда, қанчалик тез ва соз якунласак, шунчалик ўзимизга яхши — олдиндаги муборак кунларни хотирни жам қилган ҳолда, ёруғ юз билан кутиб оламиз.

И.БЎРИБОЕВ.



ЯНГИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАЙЛИК

Лотин ҳарфларига асосланган ўзбек алифбоси сирасидаги «Е е» (э), «Q q» (қ), «Y y» (й), «O' o'» (Ў), «G' g'» (ғ) ҳарфларининг бош (катта) ва кичик босма ва ёзма шаклларининг ёзилишида, шунингдек, «тутуқ белгиси»нинг қўйилишида, унинг шаклида чалкашликлар, имловий хатолар ҳамда ҳарфларнинг туташтирилишида айрим қийинчиликлар учрамоқда.

Юқорида келтирилган ҳарфларнинг босма ва ёзма бош ва кичик шаклларини хотирада мустаҳкам сақлаб қолиш мақсадида Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти «Она тили таълими» бўлими мудири, доцент Суннатулла Ризаевнинг «Расмли алифбо» ўқув қўлланмасидан намуналар келтирамиз:



ЁЗНИНГ ИССИҚ БИР КУНИДА...

Ҳа, бундай кунда офтобнинг жазирамасидан қочиб, ҳар ким ҳам жонига ором истаб қолади. Кимдир сўлим боғлардан, кимдир анҳор ёки кўл бўйидан, яна кимдир эса ўз далабоғидан паноҳ излайди. Хўш, бу ҳолатда болаларимиз қандай йўл тутишади? Ахир айнан мана шу ёзнинг қайноқ кунлари уларнинг чекига тушмаганми? Мактаб партасини шу ёз деб улар вақтинчалик бўшатишмаганми? Мен ана шу саволлар билан пойтахт дам олиш гўшаларини кезишни истадим. Баъзи ишбилармон ота-оналар аллақачоноқ фарзандлари ғамини еб қўйишибди. Яъни уларнинг кўплари болалар дам олиш оромгоҳларида фарзандлари учун ўрин ҳозирлашган экан. Лекин яна кўплар... Ҳа, кўплаб ота-оналар фарзандлари учун ёзнинг иссиқ куни қандай ўтаётгани билан танишмиканлар?

Айтмоқчиманки, қаровсиз болаларнинг хоҳиши бўйича кўнгли тусаган ишни қилаётгани мени ўйга толдирди. Аввал «Ўзбекистон» истироҳат боғидаги воқеани айтай. Бу ерда ота-оналари билан ёки ўзлари чўмилиш учун келган болаларни кўп учратдим. Аввалига уларнинг чўмилаётганига ишонмадим. Нега дейсизми? Сабаби, бу кўлни бемалол «кўриқхона кўл»га айлантирилса бўлаверар экан. Чунки кўлда тоза сув анқонинг уруғи. Фақатгина махсус чўмилиш жойидангина тоза сув чиқиб турибди. Унда ҳам кўлда «чўмилиб» кейин тозаланиш мумкин экан. Хўш, бу ерда чўмилаётган болаларнинг соғлигини ким кафолатлайди? Ахир юқумли касалликларнинг аксарияти ана шундай ифлос сувдан келиб чиқмайдими? Наҳотки бу ердаги чўмилаётган ота-оналарнинг ҳам шунга ақллари етмаса? Бу ҳам майлику-я чўмилиш ман этилган жойларда балиқдек ҳаракат қилаётган болаларни кўриб яна ҳайратинг ошади. Ахир шу миттиларнинг уч-тўртасини бўйи баробар чуқурликдаги сувга яна шунча баландликдан шўнғиётганини кўриб туриб, ҳеч ким огоҳлантирмаса?

Бу ердан қайтишда йўлим анҳор бўйидан ўтарди. Шундоққина йўл бўйидаги баланд кўприкдан анҳорга сакраётган болаларга кўзим тушдию ҳайратим ошди. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, анчагина тез оқаётган, бунинг устига чуқур бўлган анҳор бу болаларга зиён етказмайди деб, ким кафолат бера олади. Ана шунақа, булар ёзнинг фақат бир куни, холос. Ҳали қанча кунлар турибди?!

Хайрулла АБДУРАҲМОН.

ОЛМОНИЯДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ

Бугунги кунда касбий тайёргарликнинг муҳимлиги Олмония ёшларига ҳам яхши маълум. Бунинг сабаблари турлича:

Иш бозорида мутахассисликка талаблар кундан кунга ўсиб бормоқда. Мутахассислиги бўлмаган ишчининг касбий ўсиши йўқ даражада деса бўлади.

«Қизлар барибир турмушга чиқиб кетади», деган ёш аёлларнинг касбий таълим олишига қарши йўналтирилган ибора далолат сифатида келтирилмайди, чунки аёллар турмушга чиқиб ҳам моддий жиҳатдан мустақил бўлишни хоҳлайдилар.

Олий маълумотга эга бўлишни хоҳловчи ва шу маълумотни олишга ҳуқуқи бор ёшлар ҳам кўпинча, аввало, дуал (касбий тайёргарлик ва таълимнинг биргаликда олиб борилиши) тизим бўйича ўқишни танлайдилар. Бунда келажакда эгалламоқчи бўлган касбга сифатли амалий тайёргарлик кузатилади.

Мутахассисларнинг билим ва малакалари иқтисодий муваффақиятнинг асосидир. Касбий таълим, аввало, икки мақсадга хизмат қилади. Биринчиси, ёшлар учун бўлажак касбий муваффақиятга асос солиш, иккинчиси, иқтисодиётни мутахассислар билан таъминлашдир.

Тажрибалар кўрсатишича, ўқитиш ва касбий имконият бирбирига боғлиқ. Чунки иш бозорида мутахассисларга бўлган талаблар ўсишида билим ва малакалар иш жойларни сақлашга ёрдам беради. Паст малакали ишчиларга бўлган эҳтиёж шусиз ҳам сўнгги йилларда камайиб бормоқда. Ўқимаган ёшлар таълим олган ёшлардан кўра кўпроқ ишсиз қолишлари мумкин.

Касбий таълим ўқув жараёнига тайёргарликка ва касбий қобилиятни ҳосил қилишга ёрдам беради. Иккаласи ҳам ҳозиргидек бутун дунёда бўлаётган тезкор технологик ва таркибий ўзгаришлар даврида ўз мутахассислик касбини сақлаб қолмоқчи бўлган ҳар бир инсонга зарур.

Ишлаб чиқариш амалиёти шароитида бўлган ўқиш шахс ривожланишига, хусусан, социал ахлоқнинг ва умумий ишга бўлган ижобий муносабатнинг ўсишига ёрдам беради.

Ҳилола ХЎЖАЕВА.
А. Г. «АРСЕНАЛ»

ОЛАМНИ АСРАЁТГАН БОЛАЛАР

ёхуд қамашилик ёш табиатшуносларнинг ибратли ишлари хусусида

КИЧИК МАЙДОНДАГИ УЛКАН ИШЛАР

— Мен сизни қамашилик ёш табиат ихлосмандларининг ишлари билан таништираман... — дедилар Қамаши туман халқ таълими бўлимининг мудири Хайрулла ака Абдилазизов. Мен эса бу ажойиб таклифга «жон-жон» деб рози бўлдим...

Ёш табиатшунослар маркази ер ости сувларини чиқариб берувчи «артизан қудуқ» ҳисобидан ободонлаштирилган гўзал бир боғ бор экан. Ушбу марказнинг ташкил этилганига роппа-роса 10 йил бўлибди. Амалга оширилган ишлар эса менинг назаримда салкам асрларга татигуликдек туюлди... Марказ биносининг олдида соя ташлаб турган қўша-қўша садақайраҳочлару мусаффо Қамаши осмонига бўй чўзаётган шода тераклар... Бир ён бодомзор, бир ён анорзор... Эй, нимасини айтасиз, бу ерда турфа хил довдарахтнинг турли-туман турлари экиб, парвариш қилинаяпти.

— Суғориладиган ер майдонимиз атиги бир гектар, — дейди ёш табиатшунослар марказининг директори Ғани Маманазаров. — Ана шу ерга ниҳол экамиз, уни сотамиз...

Майдонни айланиб, амалга оширилаётган ишларни кузатар эканмиз, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланилаётганлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Ёш табиатшунослар ўзларининг ана шу ер майдонларида бодом, шафтоли, анор, арча, калифорния тераги, қарағай ва гул ниҳолларини экиб парваришламоқдалар.

— Рости ер майдонимиздан, айниқса, кейинги йилларда яхши фойдаланаяпмиз, — дейди марказ директори, — жорий йилда ҳам 31 минг сўмга ниҳол сотдик. Бу пулларни «тирик бурчагимиз»ни кенгайтиришга, бошқа эҳтиёжларимизни бутлашга ишлатаяпмиз.

ЖАННАТДАН ҚУВИЛГАН ҚУШ

Кўп ҳолларда гўзаллик тимсоли сифатида товуслар тилга олинишига ўрганиб қолганмиз, десам сиз эътироз билдира олмайсиз. Аслида ҳам товус бу ерўг оламнинг тенги йўқ гўзал мавжудотидир. У айниқса, оломон кўз ўнгида ўзини қандай «реклама» қилишни яхши билади. Қамашида ҳам худди шундай бўлди. Тўғриси, ёш табиатшунослар «тирик бурчак»ларидаги товусларни томоша қилиб роса ҳузур қилдик. Аммо «Ҳар тўкисда бир айб бор», деганлари ҳақ гап экан. Кутилмаганда товуслардан бири шундай қўрқинчли бир товушда бақириб-чақириб қолдики, ҳеч сўраманг. Шунчалар даҳшатли товуш қушлар маликасининг хониши эканлигига сира-сира ишонгим келмайди. Вой, сайраш ҳам шунчалар совуқ бўладими? Ҳа шундай. Товуснинг сайрашидан аъзойи таним ларзага келдиёв...

— Кўҳна ривоятлардан бирида айтилишича, товус аслида жаннат қуши бўлган экан, — дейди директор Ғани Маманазаров бизнинг ҳайрат тўла кўзларимизга тикилиб. — Унинг ана шу беёқим сайраши сабабли ҳам жаннатдан қувишган эканлар...

Қамашилик ёш табиатшунослар товусларнинг товушларини эмас, томошаларини севиб қолиб, Тошкент ҳайвонот боғидан олиб келишиб парваришламоқдалар, уларни Қамаши табиати шароитида урчитиб кўпайтирмоқдалар.

ҚАФАСДАГИ «ҚОРА БОТИР».

Бургут — тоғларга муносиб қуш. Унинг ўзи ҳам пурвиқор тоғларсимон мағрур. Ўқиганман, «Бургутлар тоғдаги энг улкан чўққилар устида ўтириб, қуйидаги манзарани кузатиб ўтиришни ёқтирармиш... У ҳамма вақт ўзини енгилмас ҳис қилармиш...»

«Тирик бурчак»даги «Қора Ботир» лақабли бургут қафаси ёнида узоқ туриб қолдим. «Қора Ботир» саккиз йилдирки ана шу маконда тутқин яшайди. У «ҳангоматалаб одам болалари»нинг хатти-ҳаракатларини ипидан игнасигача мукаммал ўрганиб олган. Биз «Қора Ботир»ни, «Қора Ботир» эса бизни кузатарди... унинг тумшуқлари қон, кўзлари ҳам қон ранг...

— «Қора Ботир»ни ҳам Тошкент ҳайвонот боғидан олиб келганмиз, — дейди марказ директори. — У асосан гўшт билан овқатланади. Нима учундир болаларни кўпроқ ана шу бургут қизиқтиради. Улар кўп ҳолларда «Қора Ботир» қафаси ёнида тўпланишиб, у ҳақда ўзаро баҳслашишади... Назаримда улар бургутни қўрқмас ва ботир қуш сифатида тан олишади. Инсонлар эса ҳамма вақт ботирликни улуғлаб келганлар. Улар ботирларга қиёс яшаганлар... туманимизга ташриф буюрган бир ажнабий ишбилармон тирик бурчагимизни кўргани келди:

У биздан «Қора Ботир»ни сотишимизни илтимос қилиб, катта доллар беришини айтди. Рози бўлмадик...

Марказ директорининг мароқли суҳбатини ҳузур қилиб тингладик. Биз ҳам ўша ажнабийга бургутни сотмаганига қўшилдик. Ахир болаларимизни бургутни томоша қилишиб, ўзаро баҳслашишлари неча доллар туради? Йўқ, йўқ! «Қора Ботир»ни сотиб бўлмайди. Мабодо, уни сотилди деб фараз қилсак, ўша пулга бундан қадрлироқ, яна қандай нарса сотиб олиш мумкин? Менимча, ҳеч нарса!

Қамашилик табиат ихлосмандлари ўз марказларидаги «тирик бурчак»да ғоз ва ўрдакларнинг ёввойи ва хонаки турларини, турли-турман балиқларни, қуён ва олмахонларни, тошбақа ва илонларни, турли-туман маҳаллий қушларни меҳр билан парваришламоқдалар.

Саодат Остонова, Нодир Ботиров, Вали Алиқулов каби фидойи устозлар марказдаги «қушчилик», гулчилик», «қуёнчилик», «Яшил қўриқчи» каби тўгаракларда ёшларни оламни асраш илмларидан воқиф қилмоқдалар. Ёш табиатшунослар маркази маъмурияти бир неча йилдирки, Тошкент ҳайвонот боғи жамоаси билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб келаётир.

Қамашилик табиатсеварларнинг ором билмас қалбларида орзулар қат-қат. Уларнинг келгусида ўз марказлари ҳузурида кичик ҳайвонот боғи бунёд этиш ниятлари бор.

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Farmon va ijro

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТДАН САБОҚЛАР

Истиқлолий жараёнда республикамизда ижтимоий, маънавий ва маданий-ҳуқуқий ривожланиш масалаларига катта эътибор берила бошлаганлиги бежиз эмасди. Зеро, ҳуқуқий маданият умумбашарий маънавий маданиятнинг, таркибий қисми ҳисобланади. Жамият тараққиётини, фуқаролар маънавий шаклланишини, шахс камолотини, айниқса, ҳозирги даврда ҳуқуқий маданиятсиз тасаввур этиш қийин. Шу боисдан яқинда Президентимиз имзо чеккан «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳам ана шу мақсадларни кўзда тутди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, Халқ таълими вазирлигига қарашли ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш Республика институти ҳам ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқий маданиятдан дарс берувчи ўқитувчи-мутахассислар малакасини оширишга эътибор қаратяпти. Кўзга кўринган ҳуқуқшунос мутахассислар, мазкур масала билан шуғулланиб келаётган ўқитувчи-олимлар иштирокида махсус дарс ва амалий машғулотлар ташкил этилди.

Машғулотларда тингловчилар билан ўтказилган фикр алмашув, савол-жавоблар ва баҳслар қизғин кечди. Уларда истиқлол, маънавий ҳаётнинг долзарб масалалари, ҳуқуқий маданиятнинг ҳозирги кундаги жиддий масалалари ўзининг ёрқин ифодасини топди. Энг муҳими, бугунги кунда республикамизда ҳуқуқий маданиятнинг аҳволи, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаб етиштириш аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб этиш кераклиги ойдинлашди.

Республика ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш институти проректори С. Усмоновнинг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармон моҳияти юзасидан ўтказган суҳбати биз тингловчиларга катта маънавий озуқа берди. Ҳуқуқий маданият жонкуярларидан Фахриддин Насриддинов, ҳуқуқшунос муаллимлар Абдулазиз Чўлиев, Абдуваҳоб Тўраев, Исомиддин Эрбўтаев, Ҳожиқул Омоновларнинг «Мустақиллик ва ҳуқуқий маданиятнинг долзарб муаммолари», «Маданий мерос ва ҳуқуқий маданият», «Конституциявий ҳуқуқ фани асослари», «Фуқаролик ҳуқуқи асослари» мавзуидаги машғулотлари қизғин баҳсларга айланиб кетди.

Малака ошириш жараёнида назарий билимларимизни бойитиш билан амалий тажрибаларимизни ҳам мустаҳкамладик. Тошкент шаҳридан Воҳид ҳожи Усмонов, бухоролик Муҳаммад Қурбонов, самарқандлик Расул Тошқулов, наманганлик Муқаддас Ҳасанова, фарғоналик Ҳикматилла Бадаловларнинг ҳуқуқшунослик фанини ўқитиш бўйича иш тажрибаларидан баҳраманд бўлдик.

Биз тингловчилар қисқа муддатли ўқув курси ташкил этиб, ҳуқуқий билим ва маданиятимизни юксалтириш ва мустаҳкамлашга катта амалий ёрдам берганликлари учун ҳунар-техника ходимлари малакасини ошириш Республика институти педагогик жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Э. КЕНЖАБОЕВ,
Бешариқ касб-ҳунар лицейи директори ўринбосари, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси.

Sport maydonchasi

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари навбатдаги 20-тур учрашувларини ўтказишди. «Навбаҳор» ўз майдонида пойтахтнинг Марказий ҳарбий спорт клуби жамоасини қабул қилди. Учрашув 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Тўпларни наманганликлардан Дмитрий Батенков (2), МХСКдан эса Нўъмон Ҳасанов, Шуҳрат Раҳмонқуловлар киритишди.

МУРАББИЙ ЧЕМПИОН

Яқинда Швейцариянинг Мартигни шаҳрида эркин кўраш бўйича фахрийлар ўртасида VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик спорт усталари мувофақиятли иштирок этишди. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти, дзюдо бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Александр Истомин биринчи ўрин соҳиби бўлди.

МАЙК ТАЙСОН ЎҒИЛЛИ БЎЛДИ

Ўтган ҳафта машҳур боксчи Майк Тайсоннинг хонадонида қувончли воқеа содир бўлди. Унинг хотини Моника Тэрнер Тайсонга қўчқордек ўғил ҳадя этди. Бундан боши осмонга етган Тайсон яқингинада рўй берган кўнгилсиз воқеаларни унутиб юбораёзди. Негаки энди Майк Тайсоннинг ҳам ўз ўғли, меросхўри бор.

ЯНГИ РЕКОРД

Афинада енгил атлетика бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Ушбу мусобақада муваффақиятли иштирок этган юртдошимиз Рамиль Ғаниев умумий ҳисобда 8415 очко жамғариб, бешинчи ўринни эгаллади. Аслида бу натижа Осиё қитъаси учун янги рекорд ҳисобланади.

АЛМАТИ ЧОРЛАЙДИ

Маълумки шу йилнинг 13—20 сентябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрида минтақа миқёсидаги энг нуфузли спорт мусобақалари бўлиб ўтиши кўзда тутилган. Ушбу мусобақада Марказий Осиёнинг беш республикаси вакиллари спортнинг 17 тури бўйича ўзаро беллашишади. Биз ҳам ўз навбатида ўзбекистонлик спортчиларга омад тилаб қоламиз.

ФОРС ҲИКМАТЛАРИ

Эгри юк манзилга етмас.

□

Чанқоқ одам тушида сув кўради.

□

Деворда сичқон бор, сичқонда қулоқ.

□

Бир қўлдан овоз чиқмайди.

□

Секин юр, ҳамиша юр.

□

Аввал тотиб кўр, кейин айт: «Тузсиздир».

□

Дардингни дардманлар олдида айт.

□

Ёмон йиқилсин, деб чоҳ қазма, ўзинг йиқиласан.

□

Дон ташиётган чумолига озор берма.

□

Кўр ким гапиряпти, эшит, нимани гапиряпти.

Форсчадан Норали АСЛОН ўгирган.

КОИНОТДА АНТИМОДДА МАВЖУДМИ?

Чунки тўқнашув пайтида зарра ва антизарра — аннигиляцияга учрашганликлари учун, модда ва «антимодда» қоришмасидан ташкил топган жисмлар портлаш натижасида бир зумда йўқ бўлиб кетган бўлур эдилар. Модда ва антимодда фақат улар бир-бирларидан бўш фазо билан ажралган ҳолдагина мавжуд бўлишлари мумкин. Лекин Галактика ва ундан нарироқда жойлашган манбалардан келаётган космик нурлар фақат модда зарралари (протон ва атом ядролари)дан ташкил топгани учун ва антимоддалар эса кузатилмагани сабабли космосда модда антимоддадан кўпроқ деган хулосага келиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Сомон йўли фақат моддадан ташкил топганлиги аниқланган деб ҳисобланади ва шунингдек Сомон йўлини ўз ичига олган галактикалар группаси ҳам фақат моддадан ташкил топганлигига ишонса бўлади. Янада узоқроқ жойлашган галактикаларнинг составини аниқлаш эса мураккабдир, чунки электромагнит нурланишнинг исталган диапазонига мос келган фотонларни детактрлаш билан уларни модда ёки антимодда томонидан чиқарилаётганини аниқлаш мумкин эмас. Агар антимоддадан тузилган галактикага моддадан ташкил топган галактикага яқин жойлашганда эди, у ҳолда улар ўртасидаги жой гоҳо зарра ва антизарраларнинг ўзаро аннигиляциялашув жойига айланган бўлур ва натижада у ердан интенсив равишда гамма нурлари чиқиб турар эди. Лекин ўрганилган нурланиш манбалар шунга хос бўлган характеристикага эга эмаслар. Бу факт шунга далил бўлиб ҳисобланадики, галактикаларни бирон бир тўплами бир хил моддадан ташкил топганлигидан ва у ҳам модда ҳам антимоддадан ўз ичига олган компонентларга эга эмаслигини билдиради.

Коинот анча катта миқдорда антиматериядан ташкил топган моддалар борлигини билиш масаласи фотонларни эмас балки найтрионни аниқлайдиган телескоп яратилганидан сўнг ҳал бўлиши мумкин. Гап шундаки, материя ва антиматерияда содир бўладиган ядро реакцияларида нейтрино ва антинейтрино ҳар хил пропорцияда чиқарилади. Бу ҳолда материядан тузилган юлдуз асосан нейтрино ва антиматериядан тузилган юлдуз эса антинейтрино тарқатади. Аммо, нейтрино телескопини қуриш қийин вазифадир, бундан ташқари жуда кичик массага эга бўлгани учун, нейтринони қайд қилишни ўзи амалий жиҳатдан мавҳум масаладир.

Ҳозирги пайтда олимлар ўртасида шу вақтдаги Коинотда модда антимоддадан кўпроқ деган фикр кўпроқ ўрин олган. Ҳозирча бу фикрни тасдиқлайдиган кучли далил йўқ, аммо антиматерияни йирик тўпламлари мавжудлигидан далолат берадиган фактлар ҳам йўқ. Гарчи космосда модда кўпроқ деган фикр тўғри бўлса ҳам бари бир уни тушунтириб бериш керак бўлади. Ишончли исботланган тушунтиришлар ҳозирча йўқ. Биз фақат бу ҳақдаги баъзи бир фикрларни келтириб ўтамиз.

Маълумки, асримизнинг 20 йилларида Э.Хаббул узоқ галактикалар Ердаги бўлган масофаларига пропорционал тезликларда Ердан узоқлашаётганликларини аниқлади. Демак, бутун Коинот кенгаймоқда ва тахминан 15 млрд. йил илгари ҳозир галактикаларни ташкил қилган модда ўта зич ҳолатни портлаши натижасида пайдо бўлган. Портлашдан сўнгги дақиқаларда бу модда эркин зарраларнинг иссиқ плазмаси сифатида бўлиб, унинг составига кирган электрон ва протон каби кўпгина зарралар электрозарядланган бўлганлар. Ҳаракатланаётган заряди зарралар электромагнит нурланиш чиқазганликлари учун бошланғич коинот фотонларга тўлиб-тошган эди. Катта портлашдан тахминан 3 минутча вақт ўтгандан сўнг кенгайиб бораётган Коинот сезиларли даражада совиди: протон ва нейтронлар бирлашиб галий атомининг ядросини ҳосил қила бошладилар. Боғланмасдан қолган протонлар эса водород ядроларига айлана бордилар. Тахминан 10000 йиллар ўтгандан сўнг кенгайган коинот етарли даражада совиб эркин қолган оғирги зарядли зарралар атомларга бирлашдилар. Фотонларни нейтрал материя билан таъсирлашуви жуда кучсиз бўлгани учун шу пайтдан бошлаб коинотда материя ва слектомагнит нурланиш ўзаро боғланмасдан мавжуддирлар. Нурланиш доимо тўхтовсиз совиб борган ҳолда кенгайишда фақат сустгина қатнаша олди. Шуни айтиш керакки, агар нурланишга фотон гази деб қарасак, у ҳолда бундай газ кенгайишда худди оддий газдек ўзини тутади. 1964 йили Ерга барча йўналишда бир текис ҳолда микротўлқинли нурланиш келиб тушаётганлиги аниқланди. Бундай нурланиш коинотни тўлдирган фотон газига мос келади. Бу нурланишни температураси 2,7 К.Юқоридаги нурланишни мавжудлиги бошланғич Коинот ҳақидаги биз баён қилган назарий тушунчани тўғрилигидан далолат беради.

Материя ва антиматерия ўртасидаги космик асимметрияни келиб чиқиш манбаини таҳлил қилишда барион заряди деб аталган квант сони катта аҳамиятга эга. Вариoнлар — элементар зарраларнинг катта оиласи бўлиб, уларга, жумладан, протон ва нейтрон ҳам киргани учун барионлар атом ядроларининг асосий элементи сифатида одатдаги материянинг структурасида муҳим роль ўйнайдилар, улар учун белгиланган барион заряди +1 га тенг. Антипротон, антинейтрон ва бошқа антибарионларнинг барион заряди -1. Бошқа барча зарралар, шу жумладан нейтрино, электрон, фотон ва уларнинг антизарраларини барион заряди нўлга тенг. Элементар зарраларнинг ҳар қандай ўзаротаъсирлашувида уларнинг тўла барион заряди сақланиб қолади деб ҳисобланади. Бунга протонни стабиллиги ишонарли далил бўлиши мумкин. Протонни емирилишини кузатиш барион зарядини сақланиш қонуни ҳар доим ҳам бажарилавермаслигини билдирадиган бевосита далили бўлиши мумкин эди. Лекин ҳозирча протонни емирилиши кузатилганича йўқ; экспериментларни билдиришича уни яшаш вақти 10 30 йилга тенг. Коинотни ёши эса 10 10 йил.

Агар коинотда модданинг миқдори антимоддадан кўп бўлса бу коинотнинг барион сони мусбат эканлигини билдиради. Коинотнинг ёши 0,01 с ва температураси 10 14 К бўлган бошланғич даврда мувозанатли қоришма ўзида ҳозирдаги Коинотдаги ҳар бир протон ўрнига миллиард протон ва миллиард антипротонга эга эди. Агар ўша пайтдаги барион заряди ҳозиргидек бўлган десак, у ҳолда протонларни антипротонларга бўлган нисбати 1000000001: 1000000000 га тенг бўлар, яъни асимметрия жуда кам сезиларли бўлур эди. Кайинчалик барча протонлар антипротонлар билан тўқнашув натижасида аннигиляцияга учрадилар. Фақат барионлар сонини сақланишигина барча барион ва антибарионларни тўла йўқ бўлиб кетишларининг олдини олди. Шу нуқтаи назардан барча ҳозирги замон дунёларини мавжудлигига бошланғич дисбаланс натижаси деб қараш мумкин. Лекин ана шу бошланғич кичик асимметрияни манбаи нимада эканлиги янада чуқурроқ жумбоқдир.

Агар Коинот модда ва антимоддага нисбатан тўла симмертик бўлган бошланғич, барион заряди нолга тенг бўлган ҳолатдан, то барион заряди нолдан катта ва протонлар сони антипротонлар сонидан ошиқ асимметрик ҳолатгача эволюция қилган бўлса, у ҳолда бу даврнинг маълум бир этапида барион сонини сақланиш қонунини бузилиши содир бўлиши керак эди. Барион сонини сақланишини тўла бажарилишини тасдиқлайдиган биринчи кўрсатма қора ғоваклар назариясидан келиб чиқди. Назарий изланишларнинг кўрсатишича қора ғовакларнинг фақат массаси, бурчак моменти ва электр зарядларинигина ўлчаш мумкин экан: барион сонини эса аниқлаш мумкин эмас. Демак, юлдузларнинг коллапси натижасида пайдо бўлган қора ғовакни ўша миқдордаги массага, бурчак моментга ва зарядга эга бўлган антиюлдузни коллапси натижасида вужудга келган қора ғовакдан ажратиб бўлмайди, гарчи биринчиси мусбат барион сонига, иккинчиси эса манфий барион сонига эга бўлса ҳам.

Шундай қилиб, модда ва антимодда орасидаги космик асимматрия масаласи бутун бир тадқиқотлар прогараммасини амалга оширишни кўзда тутади.

Раҳимжон БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ҳамда АҚШ Нью-Йорк Фанлар академиялари академиги.

Боши газетамизнинг ўтган сонларида.

Xullas...

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ...

Қирқ ёшлар атрофидаги Елена исмли аёл Екатеринбург шаҳар ички ишлар бош бошқармасига кўз ёш қилиб келди. Жабрдийданинг ҳиқиллаб тушунтиришидан маълум бўлдики, уни тунашган, қ и м м а т б а ҳ о тақинчоқларини тортиб олишган. Тезкор гуруҳ Елена опа берган маълумотлар бўйича дарҳол қидирувга киришди. Орадан икки соатча вақт ўтмай зўравонлар ушланди. Қимматбаҳо тақинчоқлар эса... жабрдийда Еленага эмас... шаҳардаги «Герос» деган машҳур заргарлик магазинига қайтарилди. Еленага эса бор-йўғи темир кишан тегди. Чунки кейинги суриштирувлар бу қимматбаҳо тақинчоқлар айнан шу аёл тарафдан айнан шу магазиндан ўмарилганини аниқлади.

ЧИДАГАНГА ЧИҚАРИЛГАН

Канадалик бир гуруҳ инженер олимлар ҳам муроду мақсадларига етишди. Ажойиб кунларнинг бирида антиқа методика яратишганини эълон қилдилар. Бу қўликнинг антиқалиги шундаки, у қуёш нуридан қувватланиб ҳаракатланади. Ғаройиб мотоцикл яратилди, бироқ ҳозирча уни бажону дил бошқарадиган ҳайдовчи йўқ. Чунки кашфиётнинг илк варианти бўйича уни фақат қуёш қиздириб турган пайтлардагина ҳайдаш мумкин.

ТАДБИРКОР ТИЛАНЧИЛАР

Чорраҳаларда туриб олиб, светофорнинг қизил чироғи ёнган маҳал турнақатор тизилиб тўхтайдиган автомашиналар ҳайдовчиларидан садақа сўровчилар бизнинг кўчаларда ҳам учраб туради. Аммо, Россияда бундай ҳаёт кечирувчилар тобора кўпаймоқда. Устига-устак уларнинг тадбиркорлик қилаётганини айтмайсизми?

Одесса кўчаларида ҳайдовчилар ҳамиша қўлларида уч-тўрт сўм ғижимлаб юрадиган бўлиб қолишди. Чунки йўл бўйида турган тиланчилар ўз ҳақини бир имодаёқ олишмаса, машина светафор буйруғи бўйича тўхтаган маҳали ғилдирак тагига ётиб олишни одат қилишган. Тайин гапки, ҳар қандай ақли расо ҳайдовчи ҳам аллақандай гадойни деб умри қамоқда ўтишини истамайди, шунинг учун ҳам тинчгина уч-тўрт сўлкавойнинг баҳридан кечишни маъқул кўришади.

...ana shunaqa gaplar

ФРАНЦУЗ ҲАНГОМАЛАРИ

Тарих дарсида ўқитувчи Полдан сўради:
— Қирол Генри IX қачон ўлган?
— Вой, ҳали у касалмиди!? — ажабланди Поль.

•

Расм дарсида ўқитувчи Пйернинг чизган расмини кўриб:
— Сенинг чизган мушугинг аканг Жонники билан бир хил-ку?
— Албатта, ахир биз битта мушук расмини солганмиз.

•

Ўқитувчи ўқувчиларидан:
— Сизларнинг орангизда кимнидир ўлимдан қутқарганларингиз борми? — деб сўради. Шунда Тото қўлини кўтариб:
— Мен, — деди. — Мен сувда чўкаётган балиқни қутқарганман.

•

Математика дарсида ўқитувчи Полдан сўради:
— Айт-чи, тўртга иккини қўшсак неча бўлади?
— Билмайман, — деди Поль.
— Фараз қилайлик, мен сенга 4 та мушук бердим, сенинг тоғанг ҳам сенга 2 та мушук берди, сенда нечта мушук бўлди?
— Саккизта, — деди Поль.
— Нега сакизта, ахир 4 га 2 ни қўшсак 8 бўлмайди-ку?
— Менинг ўзимда ҳам 2 та мушугим борда.

•

Биринчи синфга келган кичик Пйердан ўқитувчиси сўради:
— Айт-чи, исминг нима?
Пйер жавоб бермади. Шунда ўқитувчи сўради:
— Сени овқатга чақириш учун ойинг нима деб чақиради?
— У мени чақирмайди, мен ўзим бораман, — деди Пйер.

•

Жажжи Мария йиғлаб турганди. Ундан нимага йиғлаяпсан, деб сўрашди.
— Акам ва опам қишки таътилга чиқдилар, менга эса таътил йўқ, — деди.
— Нимага? Ахир сен ўқитувчингни айтганини қилмадингми?
— Йўқ, ҳали мен мактабга бормайман-да.

Таржимон Сардор ИСКАНДАРОВ, Жаҳон тиллари университети 1-курс талабаси.

Сочларингиз сумбул-сумбул,
Овозингиз худди булбул,
Тишларингиз мисоли дур,
Дилим суйган сиз экансиз.

Ибо билан кулишингиз,
Аста-аста юришингиз,
Ноз-карашма қилишингиз,
Менга ёқар қиз экансиз.

Бахтимга сиз бўлинг омон,
Ташвиш билманг сиз ҳеч қачон.
Қалбим қўмсар, сизни ҳар он,
Жуда ширин сўз экансиз.

Муаттар АЛИМБЕКОВА, Тошкентдаги 214-мактаб ўқитувчиси.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1997 йил сентябрь ойида режа асосида навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари

ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган) — 2—29.

Биология фанидан янги дастур ва дарсликлар бўйича мақсадли курс — 2—15.

Мактаб ўзбек тили ва адабиёти фани методбирлашма раҳбарлари — 2—29.

ЭҲМни ўқув жараёнига татбиқ этиш: физика ўқитувчилари учун — 16—29.

Бошланғич синф ўқитувчилари учун янги дарслик бўйича мақсадли курс — 2—15.

Расм-чизмачилик бўйича мактаб методбирлашма раҳбарлари — 16—29.

Чет тили чуқур ўрганиладиган мактабларнинг чет тили ўқитувчилари — 2—29.

Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларнинг тарбиячилари — 2—29.

Лицей гимназия чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари — 2—29.

Тарих ўқитувчилари учун янги дастур ва дарсликлар бўйича мақсадли курс — 16—29.

Футбол бўйича тренер ўқитувчилар — 2—25.

БЎСМ (болалар ва ўсмирлар спорт мактаби) директорлари — 16—29.

Болалар туризми бўйича инструкторлар — 2—29.

ВЎМОИ (ВПХМОИ) меҳнат кабинети мудирлари-2-15

Т(III) ХТБ назоратчи бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 5 сентябрь кунигача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 46-06-62, 46-06-67.

Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1997 йил сентябрь ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди.

Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари таклиф қилинади.

Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари — 2.09.97—30.09.97 йилгача.

Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 2.09.97—30.09.97 йилгача.

Янги типдаги МТМ муассаса мудирлари — 2.09.97—18.09.97 йилгача.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий-профилакторийга 2—5 сентябрь кунигача қабул қилинади. Курс қошида боласи билан келган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй, Талабалар шаҳарчаси. Телефон: 46-98-04.

ЭЪЛОН

«Ташгорпастранс» ассоциацияси томонидан 1997 йил 12 майда Марғуба ЎСАРОВА номига берилган №237890 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг собиқ мудири, халқ таълими фахрийси Жабборхон МАМАДАЛИЕВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6